

Ақийда дарслари (196-дарс). Фаришталарнинг сифатлари (1-қисм)



19:01 / 22.08.2022 4408

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда фаришталарнинг сифатлари ҳақида бир қанча оятлар нозил қилган. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ўз ҳадиси шарифларида фаришталар ҳақида сиз билан бизга керакли маълумотларни берганлар. Биз ўша сифатларга иймон келтирмоғимиз керак.

1. Имом Муслим Оиша онамиздан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Фаришталар нурдан яратилгандирлар. Жинлар оловнинг тутунидан яратилгандир. Одам сизга васф қилинган нарсадан яратилгандир», деганлар.

Фаришталар нурдан яралгинини ҳозирги замон илми ҳам тасдиқлади. Уламолар: «Фаришталар нурдан яратилганлари учун ҳам, нурнинг тезлиги ҳаддан зиёд бўлганидан ҳам кўзга кўринмайдилар», дейишади.

2. Аллоҳ таоло Нисо сурасида:

نَمَّوْ نُوبَرَقْمِلْأَلْكَيْلَلْأَلْأَدْبَعَنْوُكَيْنَأَحْيَسَمْلَأَفِكَنَتْسَيْنَلْ
گَعِيمَجَهِيلِإِمْهُرْشَحِيَسَفْرَبْكَتْسَيَوْهَدَابَعْنَعْفِكَنَتْسَيْ

«Масих ҳам, муқарраб фаришталар ҳам Аллоҳга банда бўлишдан зинҳор ор қилмаслар», деган (172-оят).

Бу оятдан улкан бир ҳақиқат англаб олинади.

Ушбу ояты каримада дунёдаги ҳамма-ҳамма – Ийсо алайхиссалом ҳам, Аллоҳга яқин (муқарраб) фаришталар ҳам Аллоҳга ибодат қилишдан бош тортмасликлари таъкидланмоқда.

Бундан фаришталар Аллоҳ таолога ибодат қилиши ва Үнга яқин бўлганлари ҳам борлигини билиб оламиз.

3. Аллоҳ таоло Таҳрим сурасида:

أَهْيَلَعُ ُرَاجِحَلْ أَوْ سَانِلَا أَهْدُوقَ وَرَانِ مُكِيلْهَأَوْ مُكَسْفَنَأَ اُوقَ اُونَمَآنِي دَلَالَهَيَأَيِّ
نُورَمُؤَيِّي آمَنُولَغَفَيَ وَمُهَرَمَآمَهَلَلَنُوصَعَيَ آلَدَادِشُ طَالَغُ َكَئَآلَمَ

«Эй иймон келтирганлар! Ўзингизни ва ахли аёлингизни ёқилғиси одамлару тошдан бўлган оловдан сақланг. Унинг тепасида қўпол, дарғазаб фаришталар бўлиб, улар Аллоҳнинг амрига исён қилмаслар ва нимага буюрилсалар, шуни қилурлар», деган (6-оят).

Бу ояты каримада Аллоҳ таоло мүмин-мусулмон бандаларига ўзларини ва ахли аёлларини охират оташидан сақлашни буюрмоқда.

«Эй иймон келтирғанлар! Үзингизни ва ахли аёлингизни ёқилғиси одамлару тошдан бўлган оловдан сақланг».

Мазкур ўтдан сақлаш гуноҳларни тарк этиш ва тоат-ибодат қилиш билан бўлади.

Дўзахнинг яна бир даҳшатли томони – унинг қўриқчилари қўпол ва шафқатсиз фаришталардир.

«Унинг тепасида қўпол, дарғазаб фаришталар бўлиб, улар Аллоҳнинг амрига исён қилмаслар ва нимага буюрилсалар, шуни қилурлар».

Улардан ҳеч ким қочиб қутула олмайди. Шу билан бирга, мазкур фаришталар Аллоҳ таолога мутлақ итоатдадирлар, нима амр қилса, ўшанга оғишмай амал қиласидилар. Булар ҳам фаришталарнинг муҳим сифатлари дандир.

4. Аллоҳ таоло Анбиё сурасида:

نَوْمَرْكُمْ دَابِعْ لَبْ هَنَاحْ بُسْ أَدَلَ وْ نَمْحَرْلَدَخْ تَا اُولَاقَ وْ
نَوْلَمْعَيْ وَرْمَأَبْ مُهَوْلَوْقَلَابْ هَنَوْقَبْسَيْ أَلَ

«(Мушриклар) «Роҳман фарзанд тутди», дейишиди. У Зот покдир. Йўқ! Икром этилган бандалардирлар. Ундан олдин сўз айтмаслар. Улар Унинг амри ила амал қилурлар», деган (26-27-оятлар).

Турли замон мушриклари Аллоҳнинг фарзанди бор, деб ҳар хил нотўғри эътиқодда бўлганлар. Яхудий мушриклар «Узайр Аллоҳнинг боласидир», деганлар. Насоро мушриклар: «Масийҳ Аллоҳнинг боласидир», деганлар. Араб мушриклари эса «Фаришталар Аллоҳнинг қизларидир», деганлар. Ҳа, мушриклар Аллоҳга боласи борлик нисбатини бердилар.

«Роҳман фарзанд тутди», дейишиди».

Бу оятда гап араб мушриклари ҳақида кетмоқда. Улар: «Аллоҳ фаришталарни ўзига қиз қилиб олди», дедилар.

«У Зот покдир».

Аллоҳ бу нуқсондан покдир. Ўзига фарзанд тутиш эҳтиёжи инсонда бор. Аллоҳда йўқ. Бу иш Аллоҳ учун нуқсон ҳисобланади. У эса бундан покдир.

«Йўқ! Икром этилган бандалардирлар».

Йўқ, мушрикларнинг гапи нотўғри. Фаришталар Аллоҳнинг қизлари эмас, балки икром этилган бандаларидир.

«Ундан олдин сўз айтмаслар. Улар Унинг амри ила амал қилурлар».

Фаришталар шунчалик одобли, шунчалик итоатли, шунчалик Аллоҳни улуғлайдиларки, ҳатто Унинг олдида бирор оғиз сўз айтишга ботинмайдилар. Фаришталар Аллоҳ нима амр қилса, сўзсиз амалга оширадилар.

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди

Давоми бор...